

MIRZACHO'L OVOZI

Gazeta 1968-yildan chiqq boshlagan
Mirzacho'l tuman hokimligining gazetasi

1 (4575) 14-yanvar 2022-yil, juma

IIIIIIII

ISSN 2010-8487

IIIIIIII

Bahosi erkin narxda

IIIIIIII

Telegram: t.me/mirzacholovozi2020

Мирзачўл тумани ҳокими Шерзод Аҳмедовнинг Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 30 йиллиги
ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари кuni муносабати билан

Ассалому алайкум, ҳурматли тумандошлар, ҳарбий офицерлар!

Қуролли Кучларимиз фахрийлар!

Аввало, Сиз азизларни, сизлар орқали бутун туманимизнинг мард, жасур посбонларини, ўз ҳаётини Ватанни ҳимоя қилишдек энг улғу ва олижаноб ишга бағишлаган сиз азизларни, барча халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кuni билан чин қалбимдан табриклайман.

Ушбу кутлуг айёмда барчамиз аввало ўз жанговар постида доимо ҳушёр ва сергак туриб, юртимиз сарҳадларини қўз қорачигидек асраб келаётган мард ва жасур, содиқ ўғлонларимизни, фидойи ота-боболаримизни, ҳақиқий ватанпарвар инсонларни шарафлаб, уларнинг шаънига энг эзгу тилакларимизни изхор этамиз.

Ана шундай ботир ва жонқуяр фарзандларни тарбиялаб вояга етказган ҳурматли ота-оналарга, ҳарбий хизматчиларимизга ўз муқаддас бурчини адо этишда ҳамиша тоғдек таянч бўлиб келаётган уларнинг оила аъзоларига чуқур миннатдорчилик билдираман. Армиямизнинг куч-қудрати ҳарбий хизматчилар билан бутун жамятимизнинг бирлиги ва ҳамжихатлигида, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

1992 йил январда мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тасарруфига ўтказилди. 1993 йил 29 декабрда 14 январни Ўзбекистонда Ватан ҳимоячилари кuni деб эълон қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. 2017 йил 18 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Шундан буён ҳар йили 14 январь – Ватан ҳимоячилари кuni умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.

Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч, эркин ва фаровон ҳаётининг мустаҳкам қафолати бўлган Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўтган 30 йилда ғоят мураккаб ва аини пайтда шонли шаклланиш йўлини босиб ўтди.

Айниқса, кейинги йилларда олиб борилаётган туб ислохотлар натижасида миллий армиямиз ҳар қандай хавф-хатарга муносиб зарба бера оладиган қудратли, тезкор ва самарали кучга айланиб бормоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили 14 январь – Ватан ҳимоячилари кuni миллий байрам сифатида катта тантаналар билан нишонланади. Бу байрам нафақат ҳарбийларимизни, балки давлат хавфсизлиги хизмати, прокуратура, ички

БАЙРАМИ ТАБРИГИ

ишлар, миллий гвардия, фавкулотда вазиятлар сафларида хизмат қилаётган ўғлонларимиз, балки барча халқимизнинг миллий байрамидир.

Кенг қўламли ислохотлар туфайли юртимиз хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончи ҳимоя қилишга, аҳолининг тинч ва осуда ҳаётига қаратилган ҳар қандай ғарзли қарашларнинг олдини олишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, ташкилий жиҳатдан мукамал, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз шакллантирилди.

барча соҳа вакиллари ҳам ўз ўрнида Ватан ҳимоячиси ҳисобланади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, оила кўргонининг мустаҳкам устун ҳисобланган барча эркакларни, туманимизга тоғдек таянч бўлиб турган мард ўғлонларимизни яна бир бор муборакбод этаман!

Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган урушлар, ҳарбий қарама-қаршилик ва можоралар, турли терроризм хуружлари халқаро хавфсизликка жиддий таҳдид қилаётганини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.



Юртимизда ҳарбий кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари тизимли йўлга қўйилди. Бу жараёнда соҳа учун юқсак интеллектуал салоҳиятли, жисмонан бақувват ва зарур билимларни пухта эгаллаган кадрлар тайёрлаш масаласи асосий устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Шу мақсадда юртимизда олий ҳарбий билим юрлари, ҳарбий йўналишдаги академик лицейлар фаолияти такомиллаштирилиб, моддий техник базаси мустаҳкамланди.

Фурсатдан фойдаланиб, туманимизнинг турли гушарларидан Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган кўркмас ва ҳақиқий ватанпарвар аскар ва офицерларнинг ота-оналарига, яқинларига улкан миннатдорчилик билдираман.

Бугун нафақат қуролли кучларимиз сафида хизмат қилаётган аскарларимиз, балки туманимиз ривожини, раънақини йўлида кечани-кеча, кундузни-кундуз демай биз билан елкама-елка туриб, фидокорона меҳнат қилиб келаётган

шер Навоий қайд этганидек, “Бу дунёда эр йигитнинг энг буюк, эзгу ва муқаддас вазифаси, аввало, ўз оиласи, Ватани ва халқини муносиб ҳимоя қилишдан иборатдир”.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбидида мустаҳкам ҳаётий позиция ва Ватанимиз тақдирини учун юқсак масъулият туйғусини шакллантириш борасида ноб тизим яратилиб, унинг доирасига мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари қамраб олинмоқда.

Бугунги кунда бутун мамлакатимизда бўлгани каби туманимизда ҳам «Ҳарбий Ватанпарварлик ойлиги» давом этмоқда. Амалга оширилаётган ислохотлар туфайли «Армия ва халқ – бир тану бир жон деган» олижаноб ғоя ва амалий ҳаракат барча бўғиндаги раҳбарлар, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, «Нуроний»лар жамоатчилиги Кенгаши, таълим-тарбия муассасалари фаолиятини, кенг жамоатчилик ҳаётини қамраб олган. Бу эса, Ватан ҳимояси чиндан ҳам барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки шарафли бурчимизга айланиб бораётганидан далолат беради.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси бутун Ўзбекистон халқида, айниқса, ёшларимизда миллий армиямиз билан фахрланиш туйғусини, Ватан ҳимоячисидек шарафли касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини уйғотмоқда.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев таъбири билан айтганда «Хар бир аскар ва сержантда, офицерда, бутун шахсий таркибда миллий руҳ ва ғурур қучли бўлиши керак. Миллий руҳ, бу – енгилмас куч. Миллий руҳ қучли бўлса, ирода, жанговар салоҳият ҳам юқори бўлади. Келажақда ҳарбий бўлишни орзу қиладиган ботир фарзандларимиз миллий руҳни, муқаддас Ватан тақдирини учун масъулият туйғусини қаердан олади? Ватанимиз бой тарихидан, Амир Темур каби буюк аждодларимиз жасоратидан олади. Ўз оиласи, меҳрибон ота-онаси ҳамда эл-юртимизнинг ишонч, ғамхўри ва эътиборидан олади. Ёшларга ҳамиша ўрнак ва наъмуна бўлиб келаётган сиз каби чинакам фидойи ҳарбийлардан олади».

Қадрли юртдошлар, мард ва жасур Ватан ҳимоячилари!

Сизларни ота-оналарингиз, оилангиз, бутун халқимиз билан биргаликда кенг нишонлаётган бугунги шону-шараф айёми – Ватан ҳимоячилари кuni билан яна бир бор табриқлар эканман, сизларга сихат-саломатлик, оилавий бахт, олижаноб ва масъулиятли фаолиятингизда улкан ютуқлар тилайман.

Барчангизга эл-юртимизнинг юқсак меҳри ва ишончи доим ёр бўлсин.

Буюк мутафаккир бобомиз Али-

МИРЗАЧЎЛ ТУМАН БИРИНЧИЛИГИ

Ғолиблари аниқланди

Хабарингиз бор, яқинда Мирзачўл туман Болалар-ўсмирлар спорт мактабига қарашли ТИП-1 болалар спорт мажмуасида 14 январь – “Ватан химоячилари кун” муносабати билан спортнинг волейбол тури бўйича эркаклар

ўртасида туман биринчилиги ўтказилди.

Унда натижалар қуйидагича бўлди:

“Пахтазор” ШФЙ ёшлари жамоаси, “Ўзбекистон” ҚФЙ ёшлари жамоаси, туман ХТБга қарашли 19-умумтаълим мак-

таби жамоаси мос равишда ўринларни эгаллади.

Яқинда ғолиблар туман ҳокимлигининг 1-, 2-, 3-даражали дипломлари, медаллари ҳамда кимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Маълумот ўрнида, ёшлар иштирокида бу каби мусобақалар, танловлар, тадбирлар йил давомида ўтказилиши режалаштирилган, зеро, ёшларимизнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш биринчи галдаги вазифадир.

Мирзачўл туман ҳокимлиги Матбуот хизмати.



ТАРҒИБОТЧИЛАР УЧУН

маънавий-маърифий семинар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 13 январь кунини Мирзачўл тумани ХТБ га қарашли 1-умумтаълим мактабида “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари” ғояси асосида Республика Маънавият ва маърифат маркази Мирзачўл тумани бўлимаси ва туман Халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ҳамда ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилари иштирокида илмий, маънавий-маърифий семинар бўлиб ўтди.

Умумий ўрта таълим муассасаларидаги ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган амалий семинарда фаол иштирокчилар томонидан қизиқарли шёърлар ва нотиклик санъати бўйича маҳорат дарслари ўтилиб, тарғиботчиларга керакли тавсиялар берилди.

Семинар сўнггида ўқув йили давомида фаол иштирок этган умумтаълим мактабларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлар ҳамда ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар ҳамкор ташкилотлар томонидан ташаккурнома, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мирзачўл туман ҳокимлиги Матбуот хизмати.

РОБОТОТЕХНИКАНИНГ

жамиятимиз тараққиётидаги ўрни

Робототехника муҳандислик таълимининг бир қисми бўлиб, бугун биз бу билан фаол равишда шуғулланишимиз керак. Мактабдан бошлаб муҳандислик касбларини омдалаштириш мақсадида ҳозирги кунда турли танловлар, мусобақалар ташкил этиш лозим.

Робототехника ўқувчиларни илгор ривожланиш режимида ривожлантиради, яъни робототехника информатика, математика, технология, физикага асосланиб, иш олиб боришни назарда тутиб, Ўртаб-шимизнинг “Физика бўйича Аҳмад ал-Фарғоний номидаги халқаро фан олимпиадаси ташкил этилади. Шунингдек, физика йўналишида илмий изланишлар қўлама ва сифатини ошириш, ёш олимларга зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора -тадбирлар амалга оширилади.” “...Ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи

этиборимиз марказида бўлади. Ёшларнинг бизнес лойиҳаларини кредитлаш ҳамда уларни касб-хунарга ўқитиш учун 1 триллион сўм ва 50 миллион доллар ажратилади”, деган фикрлари узокни кўзлаб айтилганлигига яъна бир қарра амин бўламиз.

Бу борада барчамизнинг асосий вазифамиз жамиятимиз ҳаётида инновацион таълим самарадорлигини ошириш, таъминлаш ва ривожлантириб боришдан иборатдир. Ҳар бир давлатнинг глобал иқтисодий-етидидаги роли ва аҳамияти бевосита унинг юқори технологияларга эга бўлиш билан белгиланиши ҳам бежиз эмас.

Юртимиз таълим тизимида ўрганилаётган робототехникага оид ўқув материалларининг асосини ҳаракатнинг механик узатилиши ва элементар дастурлашнинг асосий тамойилларини ўрганиш ташкил этади. Бу эса яқка, жуфт ёки жамоавий тарзда ишлаш орқали ўқувчилар қандай қилиб мо-

делларни яратиш ва дастурлаш, тадқиқотлар ўтказиш, ҳисоботлар ёзиш ва муҳокама қилишни ўрганишларига замин яратади. Ўқувчилар томонидан ушбу моделлар билан фикрлари шаклланиш пайдо бўладиган билим ва малакалар уларнинг ёшлигидан касб-хунарга тайёргарлигини такомиллаштириш воситаси ҳисобланади. Бу эса замонавий дунёда муҳандислик кўникмаларининг ривожланиши учун муҳим рол ўйнайди.

Бугунги кунда касб-хунарга мактаблари ўқувчиларининг робототехника соҳасидаги фаолиятини ташкил қилиш учун бозорда ўқувчиларга структурани йиғиши, сенсор ва электр моторларини улаш, дастур яратиш ва робот моделини ишга туширишга имкон берадиган бир қатор дизайнерлар тақлиф этилмоқда.

Шухрат БАБАЕВ,
Мирзачўл тумани касб-хунарга мактаби умумтехника фақлари ўқитувчиси.

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ



олдини олишда барчамиз масъулмиз

Яқинда Мирзачўл туман ҳокимлиги фаоллар залида туман прокурори вазифасини бажарувчи, адлия кичик маслаҳатчиси Ш.Матчанов, туман ДХХ масъул ходими Х.Сайтаков, туман ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, майор Қ.Назаровлар бошчилигида 2021 йилда туман ҳудудида содир этилган жиноятлар муҳокамаси ва 2022 йилда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар юзасидан кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда тумандаги барча маҳаллалар раислари, ИИБ профилактика инспекторлари, корхона-ташқилот раҳбарлари, маҳаллалардаги ёшлар ишлари агентлиги вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда содир этилган жиноятлар, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар муҳокамаси бўлиб ўтди.

Унда 2021 йилда жиноятчилик ошган маҳаллалар муҳокама этилиб, келгусида ушбу жиноятларга йўл қўймаслик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланди.

Хуришда ШЕРБЕКОВА,
Мирзачўл туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари.

МАНСАБ МАВҚЕИДАН

фойдаланиб, жиноятга қўл урган эди...

Судланувчи С.Бердиқулов 2017 йил 15 декабрь кунидан Мирзачўл туман халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси лавозимида ишларди. Эгаллаб турган лавозимига кўра мансабдор шахс бўла туриб, мансаб мавқеидан фойдаланишни кўзлаб, мансаб мавқеини суистеъмол қилди. Давлат бюджетни маблағларини ўзлаштириш орқали ноқонуний бойлик орттириш жиноий режасини тузди. Гўёки Мирзачўл тумани Халқ таълими ва “HAPPY YOUNG PEOPLE” МЧЖ ўрта-сонли газета ва журналлар етказиб бериш ҳақидаги шартнома тузишга эришиб, 2020 йил 28 февралда 12.000.000 сўм пул маблағларини “HAPPY YOUNG PEOPLE” МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб, ушбу пул маблағларини нақдлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Шунингдек, С.Бердиқулов юқоридаги ўхшаш бир нечта талон-торожликка йўл қўйиб, ўзининг юқоридаги ихтиёрида бўлган ва ўзига ишониб топширилган жами 272 млн. сўмлик ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни талон-торож қилишда фойдаланган жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” бандида кўрсатилган жиноятни қасдан содир қилган.

Мирзачўл туман прокура-

тураси терговчиси 2-даражали юрист Х.Сувоққуловнинг 2021 йил 30 апрель кунги қарорига кўра, жиноят ишининг Баратов Ғайратжон Сирғабоевичга ҳамда “HAPPY YOUNG PEOPLE” МЧЖ раҳбари Нурматов Сирожжон Толиббой ўғлига нисбатан бўлган қисми Ўзбекистон Республикаси ЖК 84-моддаси 5-қисми 2-бандига асосан айбилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилган.

Суд ҳукмига кўра, Бердиқулов Сирожиддин Хасанович (Berdiqulov Sirojiddin Hasanovich)га Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 йилга барча корхона, ташқилот, муассасаларда, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадида ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси таъинланган.

Иш бўйича зарарни қоплаш учун судланувчи С.Бердиқулов томонидан Жиззах вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 64.028.045 сўм пуллар Мирзачўл туман молия бўлимига ўтказилган.

Б. БЕРДИМУРАДОВ,
Ф. РАВШАНОВ,
Мирзачўл туман прокурори ёрдамчилари.

**Б. БЕРДИМУРАДОВ,
А. ИСМАТОВ,
Мирзачўл туман прокурори ёрдамчилари.**

БОЛА ПУЛИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Бола пули 01.09.2021 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 августдаги ПФ 6277-сонли фармонига асосан кам таъминланган оилаларга, яъни:

1. Оиланинг ҳар бир оила аъзосининг даромади 440 минг сўмдан кам бўлган оила кам таъминланган оила деб эътироф этилади.

2. Кам таъминланган оиланинг 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган битта фарзанди учун, 325.000 сўм, 3 ёшдан катта кейинги фарзанди учун 150.000 сўм, ундан кейинги фарзандлари учун 100.000 сўмдан тўланади.

Аввал эса, оиланинг 2 ёшгача ёки 14 ёшгача боласи учун алоҳида ҳужжат асосида бола пули расмийлаштирилди.

Болалар нафақаси олиш учун фуқаролар йиғинларига ариза ва оила ҳақидаги маълумотлар тақдим қилинади.

Фуқаролар йиғини тақдим қилинган ариза ва маълумотларни Пенсия жамғармасига тақдим қилади. Пенсия жамғармаси эса электрон шаклда аризадаги маълумотларни базага киритади. База эса барча керакли маълумотларни тўплаб, тайинлашни ёки рад қилинишини аниқлайди.

Билинги, бола нафақаси тайинлашида фуқаролар йиғини ҳам, Пенсия жамғармаси ҳам аралаша олмайди ва ҳақ эвазига тайинлашига ёрдам бера олмайди.

Бир гап билан айтганда, инсон омили аралашмайди.

Агар бола пули тўғрилаб бераман дейишган бўлса, улар Сизни алдаган ва алдов эвазига тайинлашни керак бўлган нафақани расмийлаштириб бердим деб, Сизнинг пулингизни олган бўлади. Аслида эса Сизга шундоқ ҳам тайинлашни керак бўлади.

Мисол учун, оилада 4 киши, ушбу оиланинг ойлик даромади 1.760.000 сўмдан ошмаслиги керак. Оилада 5 киши оиланинг даромади 2.200.000 сўмдан ошмаслиги керак.

Дейлик, оила ишсиз ва улар 3 ёшгача бўлган фарзанди учун нафақа олмоқчи. Бундай ҳолларда оиланинг боқувчиси ўзини-ўзи банд қилиш рўйхатидан ўтиши ва унга 1.644.000 сўм даромад ҳисобланиши ва мезонга кўра, 1.760.000 сўмдан ошмаслиги тушунилади.

Агар оиланинг боқувчиси чет давлатга ишлашга кетган ва чет давлатдаги иш ҳақи тўғрисида маълумотнома бўлмаса, ушбу фуқаронинг ойлик даромади ҳам бир ойига 1.644.000 сўм ҳисобланади.

Агар оилада 4 киши, бироқ оиланинг кичик фарзанди 3 ёшдан юқори бўлса, автоматик тарзда текширувчи электрон база оиланинг эри ва хотини ҳақидаги маълумотлар тўлиқ эмаслиги сабабли бола нафақаси тайинлашни рад қилиши мумкин.

Асосий эътиборингизни қуйидагиларга қаратинг:

1. Оилада 3 ёшдан кичик фарзанд бўлса, онасидан маълумотнома сўралмайди.

2. Ёлғиз она бўлса иш ҳақи ҳақида маълумот сўралмайди.

Агар эр-хотин қонуний никоҳдан ажрашмаган бўлса, бу ҳақда базада маълумот бўлмаса, ушбу оила алоҳида ажрашиб яшаб келаётган бўлса ҳам, тўлиқ оила ҳисобланади, чунки база уларни қонуний эр-хотин деб ҳисоблайди.

Агар оиланинг номида 7 йил тўлмаган транспорт воситаси бўлиб, уни бошқа бировга сотган ва ўз номидан чиқармаган бўлса, ушбу оила кам таъминланган оила деб ҳисобланмайди ва бола нафақаси ажратиш рад қилинади.

Ҳурматли фуқаролар! Бола нафақаси олишда, юқоридаги қондаларга амал қилган ҳолда муурожаат қилсангиз, ортиқча саволларга ҳожат қолмайди.

Хуршид ИНАТУЛЛАЕВ,
БТПЖ Мирзачўл туман бўлими.

ЮРТИМ АСКАРЛАРИ

Ватан ҳимояси йигит учун шон,
Аскарлар бор экан, қулиб отар тонг,
Юрт учун хизматда, юрт учун қалқон,
Юртим аскарлари сизга тасанно.

Кексалар дуода сизни олқишлар,
Доимо сергаксиз, кор қилмас қишлар,
Ўтолмас ҳаттоки худуддан қушлар,
Юртим аскарлари сизга тасанно.

Ҳарбий техникада эрурсиз моҳир,
Юртим байроғини кўтариб мағрур,
Ватаним ишонар сизларга ахир,
Юртим аскарлари сизга тасанно.

Самодан боқасиз, сувдасиз ҳатто,
Бурчингиз шарафли этасиз адо,
Ватан таянчисиз, қилмайсиз хато,
Юртим аскарлари сизга тасанно.

Рўзимурод БОЛҚИЕВ.

ОНАМ

Осмонларда учган онам,
Булутларни қучган онам.
Етти ўғил бахти учун
Ўз вақтидан кечган онам.

Синовлардан ўтган онам,
Ҳавасларин қўйган онам.
Шўхликларим ҳам эсидан
Билмам, чиқиб кетган онам.

Умр оқар дарё бўлиб,
Мен бораман уйга елиб.
Уйда туриб соғинади
Онажоним кутар қулиб.

Дилдора ЖўРАҚУЛОВА,
Мирзачўл туманидаги
7-мактабнинг 4-синф
ўқувчиси.

ТУМАН ПРОКУРОРИ СОВРИНИ УЧУН МУСОБАҚА БЎЛИБ ЎТДИ



2022 йил 13-14-январь кунлари спортнинг кураш туридан 2003-2005, 2006-2008, 2010-2012 йилларда туғилган ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Мирзачўл туман прокурори соврини учун Жиззах вилоят очик биринчилиги бўлиб ўтди.

Унда Қашқадарё вилояти, Бухоро вилояти, Навоий вилояти, Самарқанд вилояти, Сирдарё вилояти, Тошкент шаҳри, Фарғона вилояти, Жиззах вилоятидан жами 500 нафардан зиёд полвонлар ғолиблик учун баҳс олиб боришди.

Мусобақа якунига кўра, умумжамоа ҳисобида Жиззах вилояти 1-ўринни, Қашқадарё вилояти 2-ўринни, Фарғона вилояти жамоаси 3-ўринни эгаллашди.

Ғолиблар Мирзачўл туман прокуратураси томонидан қимматбаҳо совғалар, дипломлар ва медаллар билан тақдирланишди.

Зулхумор АБДУШУКУРОВА,
“Мирзачўл овози” газетаси муҳбири.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ СОҲАСИДАГИ МАХСУС ВАКОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

рўйхатга олиш ҳужжатлари шакллари, рўйхатга олувчи ходимлар гувоҳномаси шаклини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Аҳолини рўйхатга олиш дастурини ва рўйхатга олиш варағининг шакллари, ишлаб чиқади;

рўйхатга олиш варақлари тайёрлашни ва худудларга етказишни таъминлайди;

аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисида аҳолини

хабардор қилишга доир ишларни мувофиқлаштириш;

рўйхатга олувчи ходимларни танлаб олиш ва ўқитиш тартибини, шунингдек шахсга доир маълумотларга ишлов бериш тартибини белгилайди ва уларга ишлов беришни амалга оширади;

рўйхатга олиш варақлари ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатларининг сақланиши (шу жумладан қатъий сақланиши), йўқ қилиниши тартибини белгилайди;

рўйхатга олиш варақлари ва бошқа аҳолини рўйхатга олиш ҳужжатларини сақлаш ва йўқ қилишни таъминлайди.

М. ЭШАПНОВ,
Мирзачўл туман
статистика бўлими етакчи
мутахассиси.

ЭЪЛОНЛАР

Мирзачўл туман халқ таълими бўлимига қарашли 5-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2018 йилда Камолова Шахноза Фарход кизи номига шу мактабнинг 9-синфини тамомлаганлиги ҳақида берилган У № 8261992 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Мирзачўл туман халқ таълими бўлимига қарашли 11-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2002 йилда Турдимуродова Шахлола Холдоровна номига шу мактабнинг 9-синфини тамомлаганлиги ҳақида берилган У № 0494917 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Gulla, yashna, mustaqil O'zbekiston!
MIRZACHO'L OVOZI
Gazeta 100 yildan chiqib boshlagan
Mirzacho'l tuman hokimligining gazetasi
Muassis: Mirzacho'l tuman hokimligi.

Bosh muharrir:
Tozagul ALLANAZAROVA.
Navbatchi:
Zulxumor ABDUSHUKUROVA.

Tahririyatga kelgan materiallar va suratlarni egasiga qaytarilmaydi.
Tahririyat fikri muallif fikridan farq qilishi mumkin.
Telefon: +99890 229-06-19.
E-mail: mirzachulovozi@umail.uz
Telegram manzil: t.me/mirzachulovozi2020

Gazeta Jizzax viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 06-009 raqam bilan ro'yxatga olingan. Shakli A-3. Hajmi 1 bosma toboq.
Gazeta «Rastr Plyus Print» MChJda 1000 nusxada chop etildi. Korxona manzili: Jizzax shahri, Sayilfoyi ko'chasi, 4-uy. Bosishga ruxsat etildi: soat 18-00.